



## СОЛИҚ МАСЛАҲАТИ ИНСТИТУТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

**Якубов Отабек Садуллаевич**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
мустақил тадқиқотчиси

**doi** [https://doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss6/a26](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss6/a26)

**Аннотация.** Мазкур мақолада Ўзбекистонда амалга оширилаётган солиқ ислоҳотларининг солиқ маслаҳати институти амалиётига таъсири таҳлил қилинган, солиққа тортиш амалиётида солиқ тўловчиликнинг солиқ маданиятини ривожлантириш орқали давлат бюджети даромадларининг тўлиқ тушишини таъминлаш мақсадида ривожланган давлатларнинг ижобий тажрибалари ўрганилган ва таҳлил қилинган.

**Калим сўзлар:** солиқ маслаҳати, солиқ маслаҳати институти, солиқ ставкаси, солиқ ҳисоботи, давлат бюджети харажатлари, ресурс солиқлари, ер солиги, маҳаллий солиқлар, солиқ, бюджет, солиқ имтиёзлари.

### ВОПРОСЫ РАЗВИТИЯ ИНСТИТУТА НАЛОГОВОГО КОНСУЛЬТИРОВАНИЯ

**Якубов Отабек Садуллаевич**

Независимый исследователь Ташкентского  
государственного экономического университета

**Аннотация.** В данной статье анализируется влияние налоговых реформ, проводимых в Узбекистане, на практику Института налогового консультирования, изучается и анализируется положительный опыт развитых стран с целью обеспечения полного снижения доходов государственного бюджета за счет развития налоговой культуры налогоплательщиков в практике налогообложения.

**Ключевые слова:** налоговая консультация, институт налоговых консультаций, налоговая ставка, налоговый отчет, бюджетные расходы, налоги на ресурсы, земельный налог, местные налоги, налог, бюджет, налоговые льготы.

### DEVELOPMENT ISSUES OF THE TAX ADVICE INSTITUTE

**Yakubov Otabek Sadullaevich**

Independent researcher of  
Tashkent State University of Economics

**Abstract.** This article analyzes the impact of tax reforms carried out in Uzbekistan on the practice of the Institute of tax advice, studies and analyzes the positive experiences of developed countries in order to ensure the full fall of state budget revenues through the development of tax culture of taxpayers in the practice of taxation.

**Key words:** tax advice, tax advice institute, tax rate, tax Report, budget expenses, resource taxes, land tax, local taxes, tax, budget, tax benefits.

**Кириш.** Мамлакатимизда тобора ривожланиб бораётган иқтисодий ва суд-хуқуқ ислоҳотлари, солиқ соҳасини режалаштириш, солиқларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда ундириш, солиқ билан боғлиқ низоларда солиқ тўловчининг хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кўзлаб вакиллик қилиш масалаларида шу соҳа мутахассислари бўлмиш солиқ маслаҳатчилари тизими яратилиши муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасида юритилаётган солиқ сиёсатининг асосий йўналишларидан бири солиқ қонунчилигини тадбиркорлик субъектлари ва кенг жамоатчиликка тўлиқ

тушунтириш ва уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳисобланади.

**Адабиётлар шархи.** Л.С.Кирина ўзининг “Солиқ маслаҳати хизматининг Россия Федерациясида ташкил қилиниши ва ривожланиши” мавзусидаги илмий ишида солиқ маслаҳати институтининг Россия Федерациясида ташкил қилинишининг қонуний асослари ва солиқ маслаҳатчиси мақомини олиш учун топшириладиган аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш масалаларини, шунингдек, иқтисодиётни ривожлантиришдаги ўрнини янада ошириш бўйича бир қатор таклифлар берган [1].

И.В.Друско ўзининг “Россия Федерациясида Солиқ маслаҳати хизматини ривожлантиришнинг ташкилий-иктисодий механизми” мавзусидаги илмий ишида солиқ маслаҳати институти пайдо бўлиши ва ривожланиши, мазкур хизмат турини такомиллаштириш бўйича ўрганган бўлса, яна бир россиялик олим Денисов Николай Николаевич солиқ маслаҳатининг рискини камайтириш бўйича илмий иш олиб бориб, мазкур йўналиш бўйича Россия солиқ маслаҳати институти солиқ солиш масаласидаги ўрнини ўрганган [2].

С.Фриц фикрича, “...маслаҳатчи бир ёки бир нечта масалалар бўйича фақатгина маслаҳат ёки ёрдам беради. Аммо мазкур муаммони бевосита ўзи бажармайди” [3].

Г.Ларри ва М.Роберт таъкидлашича, “... бошқарув маслаҳати деганда, маълум бир билим ва кўникмага эга маҳсус рухсатномага эга бўлган мустақил шахслар томонидан нафақат маслаҳат, балки амалий ёрдам кўрсатиш бўйича хизматлар йиғиндиси тушунилади” [4].

Д.Г.Черник таърифига кўра, “солиқ маслаҳати мустақил фаолият тури бўлиб, аудит ёки юридик хизматга ўхшаса-да, моҳияти жиҳатидан ҳамда кўрсатадиган хизмати бўйича, умуман, бошқа хизмат тури ҳисобланади. Солиқ маслаҳати хизмати шакли жиҳатидан юридик, мазмунан иктисодий бўлиб, бошқа маслаҳат хизматларидан ҳамда маҳсус тайёргарлик талаб этадиган хизматлардан фарқ қилувчи мустақил тадбиркорлик фаолиятининг бир туридир” [5].

Н.Н.Башкирова ва Е.Б.Сугробова фикрларига кўра эса “...солиқ маслаҳати солиқ тўловчилар, солиқ агентлари ва бошқа тўловлар бўйича мажбурияти бор шахсларга солиқ қонунчилигига мос равишда солиқларни тўғри ҳисоблаш бўйича пулли хизмат кўрсатиш тури ҳисобланади” [6].

Т.Н.Гущина ишида: “Қонунчилик билан белгиланган солиқлар ва йиғимларни ҳисоблаш ва ўз вақтида тўлашнинг тўғрилиги ва тўлиқлиги бўйича ёрдам бериш, солиқ ва йиғимлар тўғрисидаги қонунчилик билан тартибга солинадиган муносабатлар иштирокчиларининг хуқуqlари ва қонуний манбаатлари ҳимоясини таъминлаш фаолияти бўлиб, фаолият соҳасига аниқлик киритилган, солиқ муносабатлари иштирокчилари тўлиқ келтирилмаган”, – деб ҳисобланган [7].

**Таҳлил ва натижалар.** Бозор иктисодиёти шароитида тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият ютишларида солиқ қонунчилиги соҳасида маслаҳат ва хуқуқий жи-

ҳатдан қўллаб-қувватлашни таъминлашнинг амалий механизми, яъни солиқ маслаҳати тизими жуда зарур ҳисобланади. Шу билан бир қаторда, корхона ва ташкилотларнинг солиқлар бўйича бюджет билан ҳисоблашишлари, уларнинг ҳисоби, таҳлили ва назоратини такомиллаштириш ҳозирги кундаги долзарб, энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик манбаатларини ишончли ҳимоя қилиш, энг муҳими, Конституциямизда кўзда тутилганидек, хусусий мулкнинг қонуний, меъёрий-хуқуқий ва амалий жиҳатдан устувор ролини таъминлаш, Ўзбекистон иктисодиётида давлат иштирокини босқичма-босқич камайтиришга қаратилганлиги давлатимиз раҳбари томонидан таъкидланган.

“Ана шу йўналишдаги ислоҳотлар натижасида ялпи ички маҳсулотимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2000 йилдаги 31 фоиздан бугунги кунда 56,7 фоизга етди ёки 1,8 баробарга ошди. Ҳозирги пайтда ушбу соҳада жами саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 98 фоизи ишлаб чиқарилмоқда. Иш билан банд жами аҳолимизнинг 77 фоиздан ортиғи – шунга эътибор беринг – мазкур тармоқда меҳнат қилаётгани, ўз пешона тери билан нафақат ўз оиласини боқаётгани, балки мамлакатимиз бойлигига бойлик кўшаётгани, аввало, мустақиллик бизга очиб берган имкониятларнинг яққол исботи”dir .

Солиқ маслаҳати ташкилотларини ривожлантириш ва улар фаолиятини такомиллаштириш натижасида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда асосий ўринни эгаллаётгани кичик бизнес субъектлари фаолиятларида юзага келаётгани солиқ муносабатларида тушунмовчиликларнинг олдини олиш мумкин. Шунингдек, уларнинг қонуний манбаатларини ҳимоя қилишга эришиш мумкин бўлади. Бу эса ўз навбатида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ўз иш фаолиятини солиқ маслаҳатидан фойдаланган ҳолда амалга ошириши натижасида мамлакатнинг турмуш даражасини оширишга хизмат қиласи.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини солиқка тортиш масалалари бирмунча мураккаброқ. Солиқ тўловчи ўз мажбуриятларини бажарishi учун нафақат Солиқ кодекси, балки ягона солиқ тўловининг ягона ижтимоий тўловини

ҳисоблашда айрим меъёрларнинг қўлланилишига ёки иш ҳақи фондини белгилаш учун меъёрлар талабларига алоҳида эътибор қартиши лозим бўлади. Бу эса ўз навбатида, солиқ тўловчидан алоҳида билим ва кўнишка талаб қиласди. Шундай экан, солиқ тўловчи ўз бизнесини ривожлантириш масалалари тўғрисида бош қотириб, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш тўғрисида бош қотириб, солиқ солиш масалаларини солиқ маслаҳатчилари ихтиёрига қолдириши мақсадга мувофиқ бўлади.

Солиқ маслаҳати хизмати инвестициялар жалб қилинишида ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки солиқ маслаҳатчиси томонидан кўрсатилаётган ёрдам инвесторларнинг солиқ қонунчилигига риоя қилишлари, тўланадаётган солиқлар ва йиғимларнинг оптимизация қилиниши, қўшимча чоралар орқали уларнинг мулкий ҳуқуқлари ва манфаатларининг химоя қилинишини таъминлайди.

Солиқ тўловчиларга солиқларнинг моҳияти қанчалик тушунарли ва аниқ-равshan бўлса, хусусан, улар ўзлари тўлаётган солиқларнинг ижтимоий химояни таъминлаш, маориф, соғлиқни сақлаш, мудофаа, аҳолининг тинч ва фаровон ҳаёт кечириши ҳамда шу каби давлатнинг бир қатор ижтимоий вазифаларини ҳал этиш учун сарфланаётганлигини чуқурроқ анграб етсалар, солиқларни ихтиёрий равишда тўлаш самарадорлиги шунчалик ортади. Ушбу йўналишдаги ишларни амалга оширишда эса солиқ маслаҳати соҳасининг ҳам ўрни бекиёсdir.

Солиқ тўловчиларнинг фаолиятида солиқка тортиш масалалари бўйича юзага келаётган муаммоларнинг таркибини, давлатнинг қайси соҳасида қандай ислоҳотлар амалга оширилиши лозимлигини ўрганиш мумкин бўлади. Солиқ маслаҳати соҳасидаги муносабатларни ташкил қилиш, солиқ маслаҳатчилари фаолиятини ривожлантиришни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги қошида Солиқ маслаҳати бўйича Кенгаш ташкил қилинган.

Тадқиқот давомида республикамиизда солиқ маслаҳати соҳасини ривожлантириш борасида маълум бир таклифларни ишлаб чиқиши ёки ислоҳотлар олиб бориш учун хизмат кўрсатиш соҳаси кўрсаткичларига эҳтиёж сезилади.

Шундай экан, солиқ маслаҳати соҳасини ривожлантириш учун давлат ҳар томонлама ушбу соҳа фаолиятини қўллаб-қувватлаши лозим бўлади.

Ҳозирда солиқ маслаҳати фаолияти фақатгина солиқ маслаҳатчилари ташкилоти томонидан кўрсатилиши белгилаб қўйилган. Бу эса солиқ маслаҳатчисига, гарчанд унда малақа сертификати мавжуд бўлса-да, якка тартибда фаолиятини амалга ошириш имкониятини чеклайди. Хориж тажрибасидан кўришимиз мумкинки, якка тартибда кўрсатилган солиқ маслаҳати ташкилот орқали кўрсатиладиган хизматларга нисбатан сифатлироқ ҳисобланади.

Якка тартибда солиқ маслаҳатини амалга ошириш имкониятининг чекланганлиги шунингдек, ҳудудлар бўйича ушбу соҳага эҳтиёж сезадиган солиқ тўловчилар ушбу хизматлардан фойдалана билмаяптилар.

Солиқ қонунчилиги бузилишининг олдини олиш, ҳар хил салбий солиқ оқибатларига йўл қўймаслик, умуман соҳада ортиқча дилхираликларга учрамаслик мақсадида ривожланган мамлакатларда солиқ маслаҳати институти муваффақиятли иш олиб боради.

Солиқ органларидан тушунтиришлар олишдан ташқари консалтинг ва аудиторлик фирмалари билан солиқ тўғрисидаги қонунларни қўллаш масалалари бўйича маслаҳат олиш амалиёти мавжуд. Бу хизматларни улар шартномавий шартларда муайян ҳақ эвазига кўрсатадилар. Амалиётда солиқ солишига доир маслаҳатга шартнома, асосан, муаммоли ёки низоли вазиятлар юзага келганда тузилади. Кўпинча, солиқ солиш бўйича тармоқ йўрикномалари ёки низомларини ишлаб чиқишида ҳам маслаҳатчиларнинг хизматларига мурожаат қиласидилар.

Ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси кўрсатишича, бозор иқтисодиёти шароитида молиявий хизматлар бозорининг аудит, консалтинг, микрокредитлаш, баҳолаш хизматлари, адвокатура ва бошқа субъектлари билан бир қаторда солиқ маслаҳати ҳам муваффақият билан фаолият юритмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига турли хил хизматлар кўрсатишини кенг йўлга кўйиш устувор ишлардан ҳисобланади.

Бугунги кунда давлатимиз томонидан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича изчил чоралар кўрилмоқда. Хизматлар бозори таркиби хизматларнинг янги истиқболли турлари – банк-молия, супурта, ахборот-коммуникация хизматлари ва ҳоказоларни ривожлантириш ҳисобига такомиллашиб бормоқда. Банк-молия хизматлари молиявий инфратузилманинг муҳим элемен-

ти ҳисобланиб, тўловлар ва жамғармаларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасида "Солиқ маслаҳати тўғрисида"ги қонун солиқ маслаҳати соҳасидаги муносабатларни тартибга соловчи асосий ҳужжат ҳисобланиб, унинг асосида солиқ маслаҳатига доир бошқа қонуности ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Қонунда солиқ маслаҳатининг тушунчаси, солиқ маслаҳатининг асосий принциплари, солиқ маслаҳати бўйича хизматлар мазмуни, шунингдек, солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб берилди. Шу билан бирга, қонун солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш натижасида мижозга – солиқ тўловчига етказилган зарар учун солиқ маслаҳати ташкилотлигига қатъий жавобгарлик чораларини белгилайди.

Солиқ тўловчиларнинг солиқ маслаҳатига бўлган тўлиқ ишончини таъминлаш учун учинчи шахсларнинг солиқ маслаҳатчилари ташкилотларининг фаолиятига аралашиши, улардан профессионал хизматлар кўрсатиш вақтида олинган бирон-бир маълумотни талаб қилиши тақиқланди. Шунингдек, солиқ маслаҳатини амалга ошираётган шахслардан уларнинг мижозлари билан боғлиқ ҳужжатларнинг олиб қўйилиши ёки кўздан кечирилиши мумкин эмас.

Бундан ташқари бошқа консалтинг хизматларидан фарқли ўлароқ, солиқ маслаҳатчisi ва унинг ёрдамчиси ўз профессионал вазифаларини бажаришлари муносабати билан мижоз ҳақида ўзларига маълум бўлган ҳолатлар тўғрисида гувоҳ сифатида сўроқ қилинишлари, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан эксперtlar ҳамда мутахассислар сифатида, шунингдек, текширувларни амалга оширишга жалб этилиши мумкин эмас.

Албатта, солиқ маслаҳатчилари мақоми, ваколатлари ва масъулиятини бу даражада белгилаш ҳамда улар фаолиятининг қонун билан ҳимояланиши солиқ тўловчиларнинг уларга бўлган ишончини оширади, жамиятилизмизда солиқ соҳасида қонун устуворлигини таъминлашга ва пировард натижада мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётiga хизмат қилади.

Солиқ маслаҳатчисининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатларда иштирокчиларнинг вакили сифатида давлат солиқ хизмати органларида, шунингдек, солиқка оид низони судгача ҳал қилиш давомида ва судда қонун

хужжатларида белгиланган тартибда иш олиб боришига ҳуқуқ берилиши тадбиркорлик субъектининг солиқка оид мунозараларда ҳуқуқий ҳимоя қилинишига замин яратади. Шунингдек, солиқ тўловчиларни солиқлар билан боғлиқ мунозаралардан халос қилиб, ҳар хил маъмуриятчиликларга чалғимасдан, ўз бизнесини ривожлантириши учун имкониятларни кенгайтиради.

Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, солиқ маслаҳатчisi сифатида ишлаш жараёнида қонун нормаларини ҳаётга татбиқ этишда бир қатор ечимини кутаётган долзарб масалалар мавжудлиги аён бўлмоқда. Хусусан, "солиқ маслаҳатчisi мижозни судда ҳимоя қила оладими" деган саволга қонун ҳужжатларида турлича, бир-бирига мос бўлмаган жавоблар мавжуд.

Қонуннинг тасдиқланишидаги муҳим жиҳатлардан бири унда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари ушбу қонунга мувофиқлаштирилиши, давлат бошқаруви органлари ушбу қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишилари лозимлиги белгиланганидадир. Аммо бу вазифа қонун кучга кирганига сал кам ўн йил бўлибдики, тўлиқ бажарилмасдан қолмоқда. Яъни бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қайта кўриб чиқилмасдан – қонунга мувофиқлаштирилмасдан қолмоқда. Бу ҳол солиқ маслаҳатчилари фаолияти янада оммавий тарзда ривожланишига, солиқ тўловчиларнинг солиқка оид масалаларда ҳуқуқий ҳимоя қилинишига тўсиқ бўлиб қолмоқда десак, муболаға бўлмайди.

Бу борада ечимини кутаётган долзарб масалалардан бири суд ишларини юритиши тартибга соловчи амалдаги қонун ҳужжатларида солиқ маслаҳатчисининг солиқ тўловчи номидан судда солиқ солиш масалалари бўйича вакиллик қилиши фақат хўжалик судлари билан чекланганлигидир.

Гап шундаки, қонун солиқ маслаҳатчilari ваколатларини кенг талқин қиласи. Унинг 5-моддасида солиқ маслаҳати бўйича хизматлар, хусусан, судда солиқ солиш масалалари бўйича мижоз (ишонч билдирувчи) номидан ва унинг топшириғига биноан вакиллик қилишини ўз ичига олиши назарда тутилган. Айни пайтда амалиётда бошқа қонун ва қонуности ҳужжатлари талабларидан келиб чиқиб, солиқ маслаҳатchisi фақатгина хўжалик судларида солиқ тўловчининг солиқ солиш масалалари бўйича вакили сифатида қатнашиб, унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб

келмоқда. Ваҳоланки, солиқ тўловчининг ўз мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ низолар нафақат хўжалик судларида, балки фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларда ҳам кўриб чиқилади. Солиқ маслаҳатчиси айнан шу – фуқаролик ёки жиноят ишлари бўйича судларда солиққа оид масалалар бўйича, аниқроқ айтадиган бўлсақ, айнан солиқ текширувлари натижалари бўйича юзага келган ҳуқуқий масалалар юзасидан солиқ тўловчи ни ҳимоя қилиш имкониятига эга эмас.

Амалиётда кўпчилик ҳолларда солиққа оид ҳуқуқий масалалар жисмоний шахслар билан боғлиқ бўлса, фуқаролик судларида; жиноий иш доирасида амалга оширилган солиқ текшируви бўйича бўлса, масала жиноят ишлари бўйича судларда кўриб чиқилади. Аммо фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларда солиқ маслаҳатчиси солиқ тўловчи ни ҳимоя қила олмайди ва фақатгина кузатувчи сифатида иштирок этиши мумкин, холос.

### Хулоса ва таклифлар:

1. Солиқ маслаҳати фаолиятини нафақат Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти орқали, балки якка тартибда ҳам амалга ошириш бўйича ҳам ваколат бериш.

2. Солиқ маслаҳати соҳасини мониторинг қилиш бўйича чора-тадбирлар белгиланган бўлса-да, ушбу соҳада мавжуд камчиликларни чуқурроқ таҳдил қилиш учун зарур бўладиган кўрсаткичлар бўйича ваколатли органга ҳисобот ёки маълумот тақдим қилиб борилишини жорий қилиш.

3. Солиққа оид жиноий судларда солиқ маслаҳатчиларига мижозни ҳимоя қилиш мақсадида бевосита қатнашишига рухсат бериш.

4. Хориж тажрибасида солиқ маслаҳатчилари қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича тўғридан-тўғри таклиф киритиши кўзда тутилган. Ушбу норма республикамизда жорий этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Кирина Л.С. Методология формирования и развития рынка услуг налогового консультирования в Российской Федерации. Дисс. ... док. экон. наук. – М.: РГБ, 2006.
2. Денисов Н.Н. Снижение рисков налогового консультирования. Дисс. ... канд. экон. наук. – М.: РГБ, 2012.
3. Скотт А. Как управлять переменами: Change Management глазами специалиста, Harvard Business Review 2003, с. 108-109.
4. Грейнер Ларри Е. Схемы организационных изменений Harvard Business Review, май-июнь 2010, с. 119-120.
5. Российская Бизнес-газета. 581-сон. 2006 йил 21 ноябрь. 14-бет.
6. Основы налогового консультирование. Под. ред. проф. Л.И.Гончаренко. – М.: Магистр, 2010. С. 8.
7. Гущина Т.Н. Организация и методика налогового консультирования экономического субъекта в рамках оптимизации налога на прибыль организаций. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Орел, 2009. С. 10.
8. Нормурзаев У. (2023). Ўзбекистонда солиқ сиёсатини тақомиллаштириши ва унинг барқарорлигини таъминлаша ўйлари. // Iqtisodiy taraqqiyot va tahsil, 1(6), 177-182. <https://doi.org/10.60078/2992-877X-2023-vol1-iss6-p177-182>
9. Нормурзаев У. (2022). Ҳуқуматимиз томонидан солиқ маъмурчилиги бўйича 2018-2022 йилларда амалга оширилган солиқ ислоҳотлари натижалари. // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар, 10 (5), 325-330. [https://doi.org/10.55439/EIT/vol10\\_iss5/a35](https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss5/a35)
10. Нормурзаев У. (2021). Анализ эффективности налоговых льгот и преференций в поддержке определенных секторов с целью дальнейшего повышения инвестиционной привлекательности в Узбекистане. // Economics and Education, (6), 82-86. <https://doi.org/10.55439/ECED/vol iss6/a285>



### РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА БЕВОСИТА ВА БИЛВОСИТА СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИК НАЗАРИЯСИ

**Янгибоев Ҳусниддин Абдумажитович**  
Фискал институт мустақил изланувчиси

**doi:** <https://doi.org/10.55439/ECED/vol24 iss6/a27>

**Аннотация.** Мақолада бевосита ва билвосита солиққа тортишнинг ўзаро боғлиқ назариясини ислоҳ қилиш масалалари муҳокама қилинган ҳамда солиқларга иқтисодчи олимлар томонидан берилган таърифлар келтирилган. Бевосита солиқларга илмий ҳуласалар ва таклифлар берилган.

**Калим сўзлар:** раҷамли иқтисодиёт, солиқ тизими, бевосита солиқлар, билвосита солиқлар, фойда солиги, айланмадан олинадиган солиқ, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги.